

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

5-2020

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

А.Абдурахмонов	
Яшил рангинг миллий шеъриятда ўзига хос ифодаси (испан ва ўзбек лирикаси мисолида)	79
О.Абобакирова	
Ўзбек болалар ҳикоячилигининг бадий хусусиятлари.....	83
Д.Турдалиев	
Рус фольклоршунослигида анъанавий лингвистик формулалар.....	92
И.Ҳабибуллаев	
Хуршид Дўстмуҳаммад қиссаларида руҳий-психологик тасвир (“Нигоҳ” қиссаси асосида).....	98

ТИЛШУНОСЛИК

А.Муҳиддинов	
Нутқ актини биомолекуляр ва ментал кодлаштириш жараёнларининг изоморфлиги ва алломорфлиги	103
Р.Сайфуллаева, Ҳ.Ҳамроева	
Ўзбек рақс терминларининг лингвокультурологик таснифи.....	108
З.Акбарова	
Турли функционал услублардаги матнларда тил воситаларидан фойдаланган ҳолда оламни моделлаштириш.....	113
Н.Шарафутдинова	
Ўткир Ҳошимовнинг “Тушда кечган умрлар” асарида қўлланилган мифоним ва теонимлар таҳлили.....	118
Ў.Исламов	
Адабий тил - нутқ маданиятининг олий шакли.....	122
Л.Абдуллаева	
Аббревиация-ўзбек ва инглиз тилларида сўз яшаш усули сифатида.....	126

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

С.Абдурахмонов, Ш.Ибрагимов	
Талабаларнинг мустақил ишларини ташкил этишнинг ташкилий усуллари.....	129
У.Абдуллаева	
Чет тили бўйича кўникмаларни баҳолашда ёш хусусиятларига кўра ёндашув принциплари.....	134

ИЛМИЙ АХБОРОТ

Ў.Омонова	
Алмаштириш операторларини қуришнинг композицион усули ҳақида.....	139
А.Раҳматжонзода	
Баъзи умумлашган гипергеометрик функцияларнинг интеграл кўринишини топиш масалалари.....	143
Б.Каримов, Р.Эргашев, А.Сирождинов	
Sn асосида шаффоф ўтказувчи электродлар.....	147
А.Урунов, С.Элмонов	
Тишли-ричагли механизмлардан тузилган комбинацион механизмнинг параметрларини асослаш ва кинематик текшириш	150
Д.Аббосова, А.Ибрагимов, О.Назаров	
Ephedra equisetina bunge ўсимлиги баргларида олинган эфир мойи таркибий қисмларининг ГХ-МС таҳлили.....	154
М.Ахмадалиев, И.Асқаров, Н.Юсупова, М.Икромова	
ЗФАМЭД смоласининг олиниши.....	158
С.Маматқулова, Ш.Абдуллаев, Р.Деҳқонов	
Helianthus tuberosus L. (Топинамбур) ўсимлиги илдиз мевасидан турли муҳитларда пектин моддасини ажратиш олиш ва функционал гуруҳларини аниқлаш.....	161

УДК: 8-1/-9

ЎТКИР ҲОШИМОВНИНГ “ТУШДА КЕЧГАН УМРЛАР” АСАРИДА ҚўЛЛанилган
МИФОНИМ ВА ТЕОНИМЛАР ТАҲЛИЛИАНАЛИЗ МИФОНИМОВ И ТЕОНИМОВ В ПРОИЗВЕДЕНИИ УТКИРА ХОШИМОВА
“ТУШДА КЕЧГАН УМРЛАР”MYRHONYMS AND THEONYMS IN THE NOVEL “LIFETIME IN A DREAM” BY
U.KHOSHIMOV

Н.Шарафутдинова

¹ Н.Шарафутдинова

– ФарДУ ўқитувчиси.

Аннотация

Мақолада Ўткир Ҳошимовнинг “Тушда кечган умрлар” романида қўлланилган мифоним ва теонимларнинг персонаж характери ва психологиясини очишдаги ўрни ҳақида фикр юритилган.

Персонаж психологиясида алмашиб турадиган перипетив ҳолатларни кўрсатишга ҳаракат қилинган. Шунингдек, теонимлар воситасида персонаж руҳиятида кечадиган ҳолатлар – илтижо, ўч олмаслик, тақдирга тан бериш, ишонтириш, таъкидлаш, гувоҳлик бериш билан боғлиқ бир қатор ҳолатлар кўрсатиб ўтилган.

Аннотация

В статье рассуждается о роли мифонимов и теонимов в раскрытии характеров и психологии персонажей в романе Уткира Хошимова “Тушда кечган умрлар”.

Статья делает попытку показать перипетийные состояния, меняющиеся в психологии персонажей. С помощью теонимов также показано эмоциональное состояние персонажа, связанное с такими понятиями, как мольба, отсутствие мщения, смирение, уверование, подтверждение, свидетельство.

Annotation

The article discusses the role of the myths and theories used in Utkir Khashimov's novel “Lifetime in a dream” in revealing the character and psychology of the personage.

The article attempts to highlight peripheral states in the psychology of personality. It also highlights a number of situations in the spirit of the character - pleadings, revenge, confessions, persuasion, testimony.

Таянч сўз ва иборалар: мифоним – мифологик тушунчаларни ифодаловчи лексикон; теоним – илоҳиёт тушунчаларни ифодаловчи лексикон; перипетия.

Ключевые слова и выражения: мифоним – лексикон, выражающий мифологические понятия; теоним – лексикон, выражающий религиозные понятия; перипетия.

Keywords and expressions: mythonim- is a lexicon that represents mythological concepts, theonim - a lexicon which represents theological concepts; peripetia.

Маълумки, ҳар қандай нутқ остида инсон омили ётади. Киши сўзлар экан, атрофида рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга, кишиларга, сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маданий ва, умуман олганда, кундалик рўй бераётган жараёнларга ўзининг салбий ёки ижобий, шунингдек, ҳолис муносабатини билдиради. Шундай экан, инсон содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга нисбатан ожизлик қилса ёки қаршилик қилса, шунингдек, изтироб, дард чекса, ўз ҳолатини акс этишида теонимларга ҳам мурожаат қилади. Бундай инсон руҳияти билан боғлиқ психологик жараённи Ў.Ҳошимовнинг биргина “Тушда кечган умрлар” романида ҳам кузатиш мумкин. Асар қаҳрамонларининг нутқида қўлланилган мифоним ва теонимлар персонаж психологиясини тўлиқ очиш учун

хизмат қилади. Бир эпизодда куйидаги мифоним ва теонимлар қўлланилиши кузатилади. “Уйидан олиб чиқиб кетишаётганида Эшон Қуръонни кўзига суртиб, қасам ичибди. “Каломуллоҳ урсин, мен бир бандаи мўминнинг жонига қасд қилишдан кўрқаман, яратган Танграмнинг ўзи гувоҳ”, - деб йиғлабди” [3,34]. Инсоннинг оғир вазиятда худони “эслаши”, ёлғиз унга суяниши, илтижо қилиш кабиларни кузатиш мумкин: “Жойнамоз устида юзига фотиҳа тортаётиб, баралла тавалло қилади:

–Эй поки парвардигор!.. Яккаю ягона болам ҳаққи, илтижо қиламан. Отасининг гуноҳидан ўт. Маҳшар кунида дўзах азобидан ўзинг халос эт”. Парчада келтирилган Эшон, Қуръон, Каломуллоҳ, Тангри, жойнамоз, поки парвардигор каби теонимлар ўзбек халқи

ТИЛШУНОСЛИК

тилида ситуатив тез-тез қўлланади. Қуйида келтирилган парчада инсон ҳолати билан боғлиқ перипетия, яъни вазиятга қараб психологиясининг кескин ўзгариб туриши, бир руҳий-маънавий ҳолатдан иккинчисига ўтиб туриши унинг нутқида ҳам кескин бурилишлар бўлишига олиб келадики, бундай перипетив ҳолатда персонаж теонимлар воситасида ўзининг муносабатини аён этади ва шу жараёнда унинг руҳияти ҳам очилиб боради.

Асар қаҳрамони Тўлаган япон айғоқчилигида айбланади. Қишлоқдоши - НКВД комиссари Соат Ғаниев унинг уйдан исбот, яъни япон айғоқчилиги билан боғлиқ хат топиш учун тинтув ўтказди, лекин ҳеч нарса топа олмайди. Лекин Соат бу билан тинчимайди, қамоққа олиб кетилган Тўлаганнинг уйига қайта келиб, хотини Фотимага зуғум ўтказди, ўша хатни топиб беришни талаб қилади. Ҳеч нарсага ақли етмаган Фотима қандай хат ҳақида гап кетаётганлигини ҳам тушунмайди. Комиссарга уларни тинч қўйиши учун ёлборади:

–Соат ака! – деди илтижо қилиб. – Бандаси билмаса, Худойи таоло кўриб турибди-ку! Бир жойдаги одамлармиз-ку! Оллоҳ шохид, эримнинг гуноҳи йўқ! – У алам билан сандал четидаги кўрпачани чангаллади. – Йўқ! Йўқ! – деди бутун гавдаси билан тебраниб. – Нега бунча қийнайсиз одамни, барака топгур! – Тиззаси билан судралиб келди-да, кўзидан дув-дув ёш оқиб ёлборди. – Илоё мартабангиз бундан ҳам баланд бўлсин. У дунёи бу дунё ғам кўрманг! Дадасини чиқариб юборинг, Соат ака! Биттагина боламини етим қилманг!

Лекин Соат ака Фотиманинг ялиниб-ёлборишига, кўз ёшларига эътибор ҳам бермайди, аксинча, баттар пўписа қила бошлайди, ўша хатни топиб беришни талаб қилади. “Соат ака” нинг вазоҳати таҳдидли тусга киради. Шунда Фотиманинг ҳам қиёфаси бирдан қаҳрли тус олади. Ҳатто қизи Қурбоной ҳам онасининг бундай қиёфада биринчи бор кўриши эди.

–Қачон қонга тўясан, одамхўрлар! – деди ўтирган жойида наманни муштлаб. – Отамни ўлдирдиларинг, укамни бедарак йўқотдиларинг. Энди боламини етим қилмоқчимисан, Худо беҳабарлар! ... – Эрим билан бирга ўқигандинг-ку, имонсиз!

Кучли руҳий ҳаяжон остида Фотима “Соат ака” сининг ёқасига ёпишади, “Соат ака” нинг ранги гезариб, бор кучи билан тарсаки туширади. Фотима қизи Қурбонойнинг оёғи остига бориб йиқилади. Қизи жон ҳолатда амакининг қўлига ёпишиб, онасини урмаслигини йиғлаб сўрайди. Соат сал юмшайди. Сув олиб келишни буюради. Фотима бир қултум сув ичиб, яна “Соат ака” сини инсофга чақирмоқчи бўлади:

– Соат ака! Тўлаган акам тухматга қолганини бошқалар билмаса, сиз биласиз-ку, барака топкур!

Бироқ “Соат ака” нинг қарори қатъий, у хатни топмай қўймаслик учун қаттиқ чиранади, бу йўлда ҳеч нарсадан тоймайди. Шу ерга келганда, Фотиманинг “... чеҳрасида яна чексиз алам, қайсар қатъият пайдо бўлди”.

– Қанақа хат, тухмат қилмай, тухмат балосига йўлиққур, қанақа хат! Нима қилай, ахир! Нима дей? Худога ишонмасанг! Қуръонга ишонмасанг! Биттаю битта боламини ўртага қўйиб онт ичсам, ишонасанми? Ёлғон гапирсам илоё, яккаю ёлғиз қизимнинг ўлиги устида ўтирай! Майлими? Агар сен тухмат қилаётган бўлсанг, у дунёю бу дунё кун кўргин-у, рўшнолик кўрмагин! Хўпми? Болаларингнинг ўлигини устида ўтиргин, майлими?

“Соат ака” пинагини бузмади.

–Хат? – деди истехзоли кулимсираб. – Хат қани?

–Ана! Хоҳлаган жойингни қидир! – онаси қатъий қарорга келди, шекилли, Қурбонойга анчайин осойишта оҳангда буюрди. – Ёт, қизим, ухла! Бу осойишта оҳанг энг сўнги нуқта эди.

Келтирилган парчада Фотима нутқида қўлланган теонимлар орқали инсон руҳиятининг перипетив тарзда ўзгариб туришини кузатиш мумкин. Фотима психологиясининг перипетив тарзда ўзгариб, яъни пасайиб (Бандаси билмаса, Худойи таоло кўриб турибди-ку, Оллоҳ шохид, барака топгур, у дунёи бу дунё ғам кўрманг) ёки кучайиб (Қачон қонга тўясан, одмхўрлар, Худо беҳабарлар, имонсиз, Худога ишонмасанг, Қуръонга ишонмасанг) туриши натижасида унинг ички кечинмаларини намоён этувчи сўзларни, жумладан, теонимларни қўллашга олиб келади.

Теонимлар тилдаги жуда қадимий луғавий бирликлар бўлиб, уларнинг пайдо бўлиш даврлари инсониятнинг ўта кўҳна дунёдаги диний қарашлари, анимизм, тотемизм, табу, эвфемизм сингари тасаввурлари билан боғлиқдир. Теонимларнинг пайдо бўлиши кўп худолилик ва бир худолилик

даврларини ўз бошидан кечирган [1,22]. Асарда теонимлар билан бериладиган ўзбек халқига хос ўзбек руҳияти, маданияти, менталитети, нутқ маданияти акс этган куйидаги бир қанча руҳий ҳолатларни, характер-хусусиятларни кўриш мумкин. Масалан,

– илтижо қилиш: “Илоё дунё тургунча туринг, жон ака!” [3,63], “Эй, поки-парвардигор! Бу золимларга боққан бало борми, Худо!” [3,72], “Худо, ўзинг паноҳингда асра!”, дедим унсиз илтижо қилиб [3,84], “Ўзинг асра, Худойим...” [3,119], “... ўзинг асра, яратган Эгам” [3,129];

– ўч олмаслик: “Бошига кулфат тушса, курашиш, ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилиш ўрнига “Худога солдим”, дейди-да, бўзрайиб тураверади” [62]. Бу билан инсоннинг чексиз ожизлиги ўз ифодасини топган. Бу – умидсизлик. Ерда – у яшаётган муҳитда ҳеч бир паноҳ йўқ. Охирги умид худодан.

– теонимлар воситасида қарғиш орқали кўтарилган исён: “Илоё Қуръон урсин сени, билдингми? – Фотима кўзлари ўтдек ёниб Соатга чақчайди-да, тиззаларига шапатилаб, фарёд солди. – Қуръон урмаса, розимасман!” [3,72];

– тақдирга тан бериш: “Оллоҳга топширдим, болам! Ўзингни эҳтиёт қил...” [3,103];

– ишонтириш: “Худо ҳаққи, эшигингдан кириб келганимда кўрққан эдим” [3,125];

– гувоҳлик бериш: “Худо шоҳид: ҳеч кимни кўрмадим” [3,124];

– исённинг давоми: “Ўн гулидан бири очилмаган ёшгина йигит нима қилувди сенларга, Худо беҳабарлар!”, “Уям Худонинг бандаси” [3,124];

Булардан ташқари “худо” теоними билан боғлиқ инсон кайфиятини намоён этувчи бошқа сўз бирикмаларини ҳам кузатиш мумкин. Масалан, *худо ярлақамоқ* – “Худо ярлақаб қисмга келган эдим” [3,90], *худо хоҳламоқ* “Худо хоҳласа, эсон-омон қайтиб келсанг, тўйингда куёвжўра бўлмаган номард!” [3,93], *худодан кўрқмоқ* – “Ёлғон гапиришга Худодан кўрқаман” [3,122], *худо урмоқ* – “Худо уриб қолди бизни, болам!” [3,179], *худога шукур* – “Худога шукур, ўғлим, у ёқдан жонинг соғ қайтибсан...” [3,204], *худога минг қатла шукур* – “Худога минг қатла шукур, тўрт мучанг соғ қайтиб келдинг” [3,204], *худога айтмоқ* – “Кейин додингни Худога айтасан!” [3,240], *худо назар солган* –

“Қизиқ, тўй деган нарсанинг Худо назар солган ғалати файзи бўлади, шекилли” [3,242]. Теонимлар билан боғлиқ “бисмиллоҳ” нутқ бирлигининг ҳар бир ишни бажаришдан аввал қўлланиши фаолиятнинг муваффақиятли яқун топиши билан боғланади:

– “Бисмиллоҳ” денг жўра! Бу тупроқда ажодларимиз ётибди [3,84].

Кўринадик, миллий эътиқод халқнинг нутқ маданиятида яққол кўзга ташланади.

Таъкидлаш жоизки, халқ тилида теонимлар билан бир қаторда мифонимлар ҳам фаол қўлланади. Мифонимларни кўчма маънода қўллаш маънони бўрттириш, фикр узатишда образлиликни оширади. Масалан, “Машқ пайти танкнинг ичи дўзахдек ёниб кетади” [3,82]. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида дўзах сўзи куйидагича изоҳланади. Дўзах – 1. Диний тасаввурга кўра, ўлган, дин талабларини бажармаган гуноҳкор бандалар охиратда абадий азобланадиган жой; жаҳаннам; 2. Киши ортиқ азоб-уқубат ва мушкул аҳволга солувчи шароит, муҳит, ҳолат [2,241]. Парчада келтирилган ҳолатдан келиб чиқиб, қизиқ кетган танк ичини тўғридан тўғри жаҳаннамга ўхшатиш, шунингдек, азоб-уқубатли шароитни ҳам ифодалаш. “Катта йўл четида қачондир узилиб кетган танк занжири занглаб ётибди. Худди аждар терисига ўхшайди” [3,99]. Муаллиф танкнинг занглаган занжирини айнан аждар терисига ўхшатган. Маълумки, 20-асрнинг ихтироси реал предмет – танк ҳам, инсон хаёлотини билан боғлиқ мифик персонаж – аждар ҳам олов пуркайди, яъни улар вазифадош. Шунингдек, занглаган занжирнинг қизғиш ранги аждарнинг ташлаган пўстига қиёсланган, гўёки бу ерда Аждар бўлган-у ҳамма ёқнинг кулини кўкка совурган ва ўзидан нишона қолдирган. Айнан шундай қирғинбарот Афғонистонда ҳам рўй берган, бу ерда даҳшатли уруш бўлганлигини танкнинг занглаган занжиридан англаш қийин эмас. Худди эртақлардаги каби инсон зотини ўзига емиш қилган Аждарнинг босқинидан сўнгги ҳолат ва инсон ўзи яратган қурооллар билан олиб борган жангдан кейинги ҳолатни бадиий образлар ёрдамида кўз олдимишга келтиради. Ташланган аждар пўсти ҳам, танкнинг занглаган занжири ҳам бу ерда қирғинбарот бўлиб ўтганидан далолат беради. Романда аждар мифоними – у ўз оғзидан ўт пуркайди – ажал ўтини ёғдирувчи

қудратли жанговар техника бўлмиш танкнинг занжирига нисбатан қўлланади. Асарда фаришта мифоними ҳам кўп қўлланган. Масалан, “Аммо келиб-келиб, фариштадек беозор йигитнинг ўлиши...” [3,108] ёки “Даданг фариштадек тоза одам” [3,126]. Ҳар икки ҳолатда ҳам инсон фариштага қиёсланади. Ривоятларга қараганда, фаришта жаннатдаги кавсар сувидан қумғонларимизга қуйиб келар экан. Испомда ва бошқа баъзи динларда худонинг амрини бажарувчи ғайритабиий мавжудот, малак. Демак, халқда фақат яхши инсонларгагина нисбатан “фаришта” сўзи қўлланади. Асардаги заррача айби бўлмаган “беғуноҳ гуноҳқор” – Тўлаган ҳамда бемаъни урушнинг қанашчиси Рустамлар (улар жуда кўп) ҳақиқатан ҳам тузум сиёсатининг қурбонлари бўлдилар. Ҳар иккисига нисбатан фаришта мифонимининг қўлланиши уларнинг аслида “ёмон” эмас, аксинча, “яхши” бўлганликларини, айбсиз эканликларини кўрсатади.

Рустам ўлими билан боғлиқ тергов жараёнида сўроққа тутилган Қурбоний ҳоланинг “Бировнинг турмушига аралашиб – шайтоннинг иши...” Ҳадиси шарифда айтганларки ...” [3,123] деган жавобидан қачонлардир уларнинг турмушига суқилган “шайтоннинг” иши натижасида ота-онасидан айрилган инсон изтироблари, эсдаликлари ётади. Асар қаҳрамони “Коммунизм” колхозининг раиси Шоматовнинг ўғлига ёзган хатида инсон макрини шайтонникидан устун қўяди: “Буларнинг қўлига тушишни душманамга ҳам раво кўрмайман, ўғлим! Шунақанги маккорки, қилаётган ҳунарларини кўрса, Шайтони лаъиннинг оғзи очилиб қолади” [3,241]. Ваҳоланки, Шайтон – иблис; жин, ажина. У одамларни дин йўлидан оздирувчи, уларни гуноҳга, жиноятга бошловчи ёвуз руҳ [2,391]. Асарда акс этган давр билан боғлиқ “тозалаш” ишлари вақтида баъзи ходимларнинг шайтон каби, ҳатто, улардан ҳам ёвузроқ, маккорроқ иш тутганликлари берилган.

Асар қаҳрамони – комиссар Соат Ғаниев ўз ишининг “пири”, ҳукумат буюрган ишни ортиғи билан бажарувчи фидойи ходим. У барча “жиноятчиларнинг” найранглари, ёлғонларини фош этишнинг бир қанча усулларини билади. Лекин шунга қарамай, ўзи оддий бир аёлнинг тўрига илинади, “макрига” учади. Аёлнинг ҳақиқатан ким эканлигини билгандан сўнг уни алвастига ўхшатади. Алвасти шарқ мифологияси ва хурофий тасаввурда: гўё ҳар хил қиёфада кўринадиган махлуқ. “Аммо бу алвасти билан бир хонадонда туришнинг ҳам иложи йўқ” [3,164]. Алвасти мифоними ўз макру хийласи билан Соат Ғаниевдай совуқ, эзуликдан жирканадиган, ўз ёвузлиги билан ғурурланадиган одам қиёфасидаги бир махлуқни илинтиришга муваффақ бўлган аёлга нисбатан қўлланади [4,683].

Мифонимларни ким ёки нимага нисбатан қўлланишига эътибор берилса, маълум бўладики, романда у сўзлар халқ тасаввуридаги тушунчаларга мос ҳолда қўлланган. Масалан, танк ва аждарни олов тушунчаси боғлаб туради. Алвасти ва аёлни макр-хийла боғлаб туради. Алвасти халқ тасаввурида аёл тимсолида гавдаланади.

Асар якунига келиб, Рустам Соат Ғаниевни Ёвуз Руҳга ўхшатади: “Ҳайрон бўлиб, эшикни очсам, остонада Ёвуз Руҳ турибди. Бошида қора шляпа. Эгнида қора, узун плаш. Кўзлари ёниб турибди” [3,245]. Бошидаги қора шляпа, эгнидаги узун қора плаш юрагининг қоралигига ишора, кўзларининг ёниб туриши эса айнан иблисни эслатади. Қалбидаги чиркинлик сабаб у бир қанча қабих ишларни амалга оширади, қанча одамларни қақшатади, ёстиғини қуритади.

“Тушда кечган умрлар” романида мифоним ва теонимлар, биринчидан, персонажлар психологиясини очиш учун хизмат қилади. Асар қаҳрамонларининг қайси давр ва қайси тоифага мансуб эканликларини намоён этади. Шахс эмоционал ҳолатининг тасвирланиши билан асар таъсирчанлигини оширади.

Адабиётлар:

1. Yo'ldoshev B. O'zbek onomastikasi masalalari. Ma'ruzalar to'plami. – Samarqand, 2012.
 2. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – М.: Русский язык, 1981.
 3. Ҳошимов Ў. Тушда кечган умрлар. – Т.: Янги аср авлоди, 2015.
- International Scientific Journal. ISJ Theoretical & Applied Science. – Philadelphia, USA 04, volum 84, published April 30,

(Тақризчи: Ш.Искандарова – филология фанлари доктори, профессор).